# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 1 сентябрь, № 191 (8253) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗ ЗАМИНИ

**«Янги Ўзбекистон» боғида мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тантаналаридан репортаж.**





Инсон эркин ва ҳур, озод ва мустақил бўлганидагина ўз қадр-қимматини ҳис қилади. Ҳаётга умидбахш нигоҳлар билан қараб, олдига мақсад-режалар қўяди. Эзгу орзуларига интилиб яшайди.

Мамлакат ҳам шундай. У қачон мустақил ва суверен бўлса, ўз тақдирини ўзи белгиласа, қазилма бойликлари, ер у сувини ўзи тасарруф этса, тараққиётга, тинч-фаровон ҳаётга эришади. Халқининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаб, бунёдкорлик шавқи, яратувчанлик руҳи билан яшашига шарт-шароит ҳозирлай олади. Жаҳонда ўз ўрни, ўз сўзига эга бўлади.

Шу маънода, Ўзбекистондаги эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг асосий манбаи, халқимизнинг барча ютуқ ва муваффақиятлари, шубҳасиз, Ватанимиз мустақиллиги туфайлидир. Шу боис ҳар йили мамлакатимизда мустақиллик байрами энг улуғ, энг азиз айём сифатида кенг нишонланади.

Бугун юртимизда байрам шукуҳи ҳукмрон. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳару туманлар, маҳаллалар, қишлоқ ҳамда овуллар марказларида шодиёнага йиғилган каттаю кичик бир-бирини айём билан қутламоқда. Майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона безатилган. Мусаффо осмон, ранго-ранг байроқлар атрофга ажиб таровот бағишлаган. "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" деган сўзлар қалб изҳори янглиғ тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга кўчмоқда.

2022 йил, 31 август. Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган асосий тантаналар "Янги Ўзбекистон" боғида бўлиб ўтди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, мана шу муаззам "Янги Ўзбекистон" боғида туриб, сиз, азизларни, бутун халқимизни улуғ айём — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу ва олижаноб тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида "Ўзбекистон Республикаси" деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик.

**Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади.**

Қадрли юртдошлар!

Охирги олти йил давомида биз Ватанимиз тараққиётининг янги босқичида кенг қамровли ислоҳотларимизни бошлаб, изчил давом эттирмоқдамиз.

Ўтган даврда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойил фаолиятимиз дастурига айланди.

Вазир ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар, раҳбар ва мутасаддилар, умуман, барча-барчамиз, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кириб, халқдан куч олиб, янги ёндашув асосида халқимизга хизмат қилмоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор: **бугунги Ўзбекистон — бу кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.**

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бормоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улуғ вазифанинг шарти ва мезонлари кўп. Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил — бу демократик ислоҳотлар йўлидир.

➡ 2

# ХАЛҚИМИЗ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ЎЗ ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ ҲАМИША БАРҲАЁТДИР

**Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.**

Президент Шавкат Мирзиёев 31 август куни эрта тонгда Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар қатағон қурбонларини ёд этиш учун йиғилди. Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақига дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Ватанимиз фидойиларини айнан Мустақиллик байрами кунларида ёд этишда катта маъно бор. Бу халққа хизмат ҳеч қачон унутилмаслигини, эл-юртимиз озодлиги ва тинчлиги қадрини яна бир бор англатади.

➡ 2

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ БИР-БИРИНИ САМИМИЙ ТАБРИКЛАДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари шу кунларда мамлакатларимизда кенг нишонланаётган мустақиллик байрамлари муносабати билан бир-бирини дилдан қутлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

➡ 2

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР





**Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатлар етакчилари, нуфузли сиёсатчилар, таниқли жамоат ва дин арбоблари, етакчи халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар раҳбарларидан қутлов ва телеграммалар келмоқда.**

**Мактубларда мамлакатимиз томонидан мустақиллик йилларида эришилган юксак ютуқлар ҳамда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг кенг эътирофга сазовор бўлган улкан натижалари алоҳида қайд этилган. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида олиб борилаётган стратегик сиёсат тўлиқ қўллаб-қувватланган.**

**Хорижий етакчилар ва ҳамкорлар амалга оширилаётган конструктив ва проактив ташқи сиёсат ўз самараларини бераётганини таъкидлаб, давлатимиз раҳбарининг глобал ва минтақавий хавфсизлик, барқарор ва изчил тараққиётни таъминлаш, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик ва амалий шерикликни кенгайтиришга қаратилган таклиф ва ташаббусларини юқори баҳолаган.**

**Табрикномаларда Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Жаноби Олийлари!

Мустақиллик куни муносабати билан бутун Ўзбекистон Республикаси халқига энг самимий табрикларимни билдираман.

Ушбу муҳим тарихий лаҳза барчамизга ҳамжиҳатлик руҳида, бир инсоният оиласи бўлиб ҳаракат қилишимиз зарурлигини эслатади.

Ҳар бир мамлакат кўлами миллий чегараларни тан олмайдиган — COVID-19 пандемиясидан тортиб қашшоқлик, тенгсизлик ва адолатсизлик кескинлашиши, иқлимнинг фавқулодда ёмонлашуви, бутун дунёни қамраб олган можароларгача бўлган муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиши зарур.

Ушбу ўта аҳамиятли кунда ишончим комилки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хавф-хатарларга муносиб жавоб беришда, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда, барча одамлар учун янада фаровон, адолатли ва хавфсиз дунёни барпо этишда Ўзбекистон Республикаси халқига таяна олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилинг.

**Антониу ГУТЕРРИШ,**
**БМТ Бош котиби**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилинг.

Мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг эътироф топган муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон жаҳон майдонида ҳақли равишда обрў-ҳурматга сазовор бўлмоқда, халқаро кун тартибидаги долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида жадал ривожланиб бормоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларни янада кенгайтиришимизга ишонаман. Бу Россия ва Ўзбекистоннинг дўст халқлари манфаатларига жавоб беради, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадларига мосдир.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, халқингизга эса бахт-саодат, фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Хитой ҳукумати ва халқи номидан ҳамда ўз номимдан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табригимни, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат қурилиши ва миллий тикланиш жадал тараққий топмоқда. Раҳбарлигингиз остида Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта муваффақиятларга албатта эришилади.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келаман ва ўртамизда қарор топган намунали амалий алоқаларни, шахсий дўстлигимизни қадрлайман. Хитой ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан шуни таъкидлашни истардимки, сиз билан биргаликда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ишончни янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, Хитой — Ўзбекистон муносабатларини икки мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга тайёрмиз.

Дўст Ўзбекистонга равнақ ва қудрат, унинг халқига эса бахт-саодат, фаровонлик тилайман.

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Президент жаноблари!

Сизни ва Ўзбекистон халқини 1 сентябрь куни нишонланадиган мустақилликнинг 31 йиллиги билан қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Қўшма Штатлар Ўзбекистон билан стратегик шериклик ва ҳар томонлама муносабатларни юксак қадрлайди, мамлакатингизнинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига содиқ. Ҳукуматларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, иқтисодиёт ва хавфсизлик соҳаларида кенгайишда давом этмоқда, чунки Ўзбекистон Марказий Осиёда тобора етакчи ўринни эгалламоқда.

Ўтган йилда ҳукуматингиз ислоҳотларни амалга оширишда эришган ютуқларни юқори баҳолайман. Бу ташаббуслар Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилиш, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш ва ечимини кечиктириб бўлмайдиган иқлим ўзгариши муаммосини ҳал этишни тақозо этади. Ислоҳотлар йўли ҳеч ҳам осон эмас — мен сизнинг ғайрат-шижоатингизни олқишлайман. Қўшма Штатлар ушбу устувор йўналишларни қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон билан шериклик қилаётганидан фахрланади ва биз келгусида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишдан умидвормиз.

Ҳурмат билан,

**Жозеф БАЙДЕН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

# МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

1

Шу боис халқимиз манфаатига тўла жавоб бердиган **бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.** Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга қараб борамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз учун инсон, унинг қадр-қиммати қанчалик азиз бўлса, унинг хотираси ҳам шунчалик муқаддасдир.

Шу сабабли Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номларини оқлаш, уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий меросини ўрганиш, хотирасини эъзозлашга янада муҳим аҳамият қаратмоқдамиз.

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги анъаналар давомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг, муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда.

Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суянчи, деб биламиз.

Фарзандларимиз нуфузли халқаро мусобақа ва фестиваллар, фан олимпиадалари ва танловларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келмоқдалар.

Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта "Олимпия чемпиони" деган юксак шарафга сазовор бўлгани ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлади.

Ушбу улуғ айёмда мана шундай ақлли, иродаси мустаҳкам, мард ва жасур ўғил-қизларимизни, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларини ўз номидан, халқимиз номидан яна бир бор кутлаб, уларга янги зафар ва омадлар тилайман.

Айни вақтда мамлакатимиз ёшлари Туркияда ўтказилган Ислом бирдамлик ўйинларида, ҳарбий хизматчиларимиз эса халқаро армия мусобақаларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганлари таҳсинга сазовордир.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Биз барча ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан дўстона ва тенг ҳуқуқли ташқи сиёсат юритишни давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлайман.

Самарали ҳамкорлик алоқаларимизни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссалари учун чин қалбдан ташаккур билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини жадал амалга оширмоқдамиз.

Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан.

Янги Ўзбекистон:

– ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида янги хизматлардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган;

– одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган;

– ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқароларни ижтимоий мавкеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган;

– тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган, очиқ ва адолатли жамият тушунилади.

Ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазифалар бўйича ташкил этамиз.

**Биринчидан,** таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттирамиз. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади.

Ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиб, кейингина ҳаётга татбиқ этилади. Натижада Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берамиз.

Устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтарамиз.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантирамиз.

**Иккинчидан**, суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди.

Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислоҳотларимизни албатта давом эттирамиз.

**Учинчидан**, дунё тажрибасидан маълумки, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда — сифатли таълим, малакали тиббиёт, фаровон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади.

Умуман айтганда, биз қураётган Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари кўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади.

Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодиётда давлат иштироки кескин камайтирилади.

Биз аҳоли ва тадбиркорларга солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш бўйича ислоҳотларни изчил давом эттирамиз. Бунда ҳеч кимга алоҳида имтиёзлар берилмайди, соғлом рақобат муҳити учун барча зарур шароитлар яратилади.

**Тўртинчидан**, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига янада сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирамиз.

Барча ҳудудларда шошилинч тиббий ёрдам қамровини ошириб, уни одамларга янада яқинлаштирамиз.

Мақсадимиз — халқимиз соғлом ҳаёт кечириши ва ўртача умр кўриш даражасини узайтиришга эришиш.

**Бешинчидан**, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлади.

Соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтирилади.

Шу билан бирга, муаммоли ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурларни амалга оширамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, бундай кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда олдимизда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳол. Лекин **ўз тарихида қанча-қанча синов ва машаққатларни бошидан кечирган мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир.** Мен бунга қатъий ишонаман.

Асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлган — янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий Қонунимизни шошилмасдан, чуқур ўйлаб, халқимиз билан маслаҳат қилиб, фақат умумхалқ референдуми асосида қабул қиламиз.

Ишончим комил, **Янги Конституциямиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.**

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Жаҳондаги бугунги мураккаб вазият биздан ишнинг кўзини билиб, кечаю кундуз фидойи бўлиб, самарали меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Шу боис Қуролли Кучларимизнинг қудрати ва салоҳиятини юксалтириш ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Аскар ва офицерларимизнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати, ватанпарварлик фазилатларини оширишга янада кўпроқ аҳамият берамиз.

Мана шу қутлуғ кунда Ватан ҳимоясида доимо сергак ва ҳушёр турган мард ва жасур ўғлонларимизни чин дилдан кутлаб, уларга куч-ғайрат ва омадлар тилайман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун биз ўз олдимизга улуғвор ва юксак мақсадларни қўймоқдамиз.

Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўп миллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бу — биз эришаётган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам гарови, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ислоҳотларимизни фаол қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда доимо фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга чин дилдан таъзим қиламан.

Сиз, азиз юртдошларимни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор кутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ БИР-БИРИНИ САМИМИЙ ТАБРИКЛАДИЛАР

1

Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 30 фоизга ошди. Фаол ҳудудлараро алмашинувлар давом этмоқда, саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, транспорт алоқалари кенгаймоқда. Муҳим маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Суҳбат чоғида Давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини жорий йил сентябрь ойида ўтказишга келишиб олинди.

Транспорт ва энергетика соҳаларида минтақавий аҳамиятга молик устувор инфратузилмавий лойиҳаларни, шу жумладан, "Қамбарота-1" ГЭСини қуриш лойиҳасини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, Марказий Осиёда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ШҲТнинг бўлажак Самарқанд саммити кун тартибини муҳокама қилдилар.

**ЎзА.**

# ХАЛҚИМИЗ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ЎЗ ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ ҲАМИША БАРҲАЁТДИР

1

2001 йилдан буён 31 август "Қатағон қурбонларини ёд этиш куни" сифатида нишонлаб келинмоқда. Жадид боболаримизнинг руҳларини шод этиш, ҳаёти ва меросини ўрганишга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда. Ўтган йили Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи реконструкция қилинган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда унинг филиаллари очилди.

Бу йил музейда жадид талабалар Германияга ўқишга юборилганининг 100 йиллигига бағишланган экспозиция ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари музейга кириб, мазкур кўргазма билан танишди.

— Бу ерга ҳар гал келиб, эътибор беришимиз бежиз эмас. Мустақилликка эришиш осон бўлмаган. Истиқлолимизга 31 йил бўлгани билан боболаримиз 100 йиллар олдин бунга ҳаракат қилган. 100 минг ватандошимиз қатағонга учраб, 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Нима учун? Чунки улар энг катта қаҳрамонларимиз, миллатнинг хазинаси бўлган. 2-3 тадан тил билган. Ватанимизни озод қилиб, тараққиётга олиб чиқишини билишган. Бу ерда худди уларнинг овозлари эшитилгандек бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шулар ҳақда сўзлар экан, Президентимиз Қуръони каримдаги оятни ёдга олди. "Оли Имрон" сурасининг 169-оятида: "Аллоҳ йўлида ҳалок бўлганларни ўлик, деб ҳисобламанг, улар тирикдир, Парвардигорлари ҳузурида ризқланишмоқда", дея марҳамат қилинган.

Халқимиз озодлиги, ҳақиқат ва адолат йўлида ўз жонини фидо қилган шаҳид аждодларимизнинг хотираси ҳам ҳамиша барҳаётдир.

Давлатимиз раҳбари ҳали бу тарих охиригача ўрганилмагани, қатағон қурбонларини аниқлаш ва хотирасини тиклаш бўйича изланишларни давом эттириш кераклигини таъкидлади.

— Бутун дунёда бир парча қоғоз бўлсаям, қанча маблағ кетсаям, ўзбек миллатига дахлдор ҳужжатларни топинглар, деб топшириқ бергандим, — деди Президент. — Охирги йилларда яна қанча қатағон қурбонлари аниқланди. Адолат нуқтаи назаридан қаҳрамон боболаримизнинг номларини тиклаяпмиз. Ўтган бир йил ичида Ўзбекистон Олий суди томонидан 235 нафар ана шундай ватандошимиз оқланди. Жадид боболаримиз номида музейлар, мактаблар ташкил қиляпмиз. Тошкент марказида Абдулла Қодирий мактаби қуриб, ҳайкалини ўрнатдик. Нима учун? Одамлар ўтганда кўриши, "мен кимларнинг авлодиман" деб ўйлаши, асарларини билиши керак. Ёки Чўлпонни тиклаш қандай қийин бўлди? Бугун биз пастга тушинглар, халқнинг ичига боринглар, деяпмиз, халқдан куч олаяпмиз. Чўлпон ҳам шундай деган. Бундай хайрли ишларни тўхтатмаслик керак. Янги китоблар, фильмлар чиқариш зарур.

Давлатимиз раҳбари бу йўлда изланаётган заҳматкаш олимларга, зиёлиларга миннатдорлик билдирди. Жадидларнинг ҳаёти ва асарларини телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларга етказиш, мактаб дарсларида бу мавзуга кенг ўрин бериш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида маърифатпарвар боболаримизнинг маънавий меросини ўргатиш бўйича кафедра ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Маълумки, мустабид тузум фақат жадидларни йўқ қилиш билан чекланиб қолмаган. Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам минглаб ватандошларимиз турли бўҳтонлар билан қамоққа олинган, хўрланган.

— Бугун ҳам йўлда ўйланиб келяпман. 30-йилларни эски тарих деса, "пахта иши"-чи?! Етакчиларимизни қатағон қилиш учун сохта айбловлар ўйлаб чиқаришди-ку. Бошқа республикаларда йўқмиди камчилик? Бундай аламли воқеаларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Бугунгидай байрамларда, тинч-осойишта кунларда шуларни ҳам юрагимиздан ўтказиб, ёшларимизга етказишимиз керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Дунё нотинч бўлиб бораётгани, бундай вазиятда огоҳ ва вазмин бўлиш кераклиги қайд этилди.

— Кўраяпсизлар, дунёда рақобат, таҳдидлар кучайиб бораяпти. Хавф ёнимизда юрибди. Бунга тайёр бўлиш учун ҳамиша огоҳ бўлиш зарур. Бугунги эмин-эркин ҳаётимизга шукрона айтиш билан бирга, эртанги кунимизни мустаҳкам қилишимиз керак. Қачон мустаҳкам қиламиз? Билимли бўлсак. Агар боболаримиз буюклигидан руҳланиб, ҳар бир соҳа бўйича таълимни мукаммал қилсак, манаман деган давлатдан кам жойимиз йўқ. Болаларимизни зўр ўқитсак, натижа биз кутгандан ҳам яхши бўлади. Мустақиллигимиз барқарор ва абадий бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат этилди. Аллоҳдан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб дуо қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон" боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Бу мажмуа 2021 йилда, истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган эди. Унда мамлакатимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунгача бўлган энг муҳим воқеалар, буюк аллома ва жаҳонгир боболаримизнинг сиймолари акс эттирилган. Монументнинг энг юқори қисмида Ҳумо қуши тасвирланган.

"Мустақиллик монументи — она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида", деган эди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойига гуллар қўйди.

**ЎзА.**

# БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗ ЗАМИНИ

1

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этаркан, орадан йиллар, асрлар ўтса-да, миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Байрам аҳли қўлларини кўксига қўйиб, мамлакатимизнинг бош қўшиғига жўр бўлади.

Камалакранг чироқлар шуъласи байрам саҳнаси теварагига қўйилган анвойи гулларга уйғунлашиб, чор атрофга ўзгача чирой бахш этади.

Улкан мониторда янгиланаётган Ўзбекистоннинг зафарли одимлари, беқиёс она табиатимиз, бунёд этилган улкан иншоотлар, амалга оширилган йирик лойиҳалар, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимизнинг ҳаёти, ёшларимизнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини акс эттирувчи тасвирлар намойиш қилинади. Уларга боқиб, юрак тўлқинланади, ғururга тўлади.

Мана шу шукуҳли дамларда ҳар биримиз мустақилликнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, истиқлолнинг юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрнини, онгу шууримиздаги оламшумул ўзгаришларнинг асоси бўлганини янада теранроқ англаймиз.

Ватанимиз тарихи солномасида кейинги 6 йил мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш ва уни юксалтириш йўлида асрларга тенг йиллар сифатида зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди.

Бугун халқни рози қилишга қаратилган ислоҳотлар тобора кенг қулоч ёзаётган, инсон қадр топаётган, замонавий иқтисодий механизмларга таяниб, турмуш даражаси изчил яхшиланиб бораётган мамлакатда яшаётганимиздан ҳар биримиз фахрланамиз.

Хўш, бундай ютуқларга қандай эришилмоқда? Уларнинг замирида давлатимиз раҳбарининг пухта ўйланган оқилона сиёсати, эртани кўра билиши, дунёнинг геосиёсий манзарасига объектив баҳо бериб, уларга муносиб чора-тадбирлар қўллаётгани, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, меҳнатсеварлиги, матонати мужассамдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва ғояси асосида қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатни тараққий эттиришнинг ноёб дастуриламалига айланди. Ушбу ҳужжат доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 мингдан зиёд қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар бажарилди.

Миллий иқтисодиёт ислоҳ қилинмоқда. Ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Расмий минбарларда биринчи бор аҳоли орасида камбағаллик мавжудлиги тан олиниб, уни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Одамларни янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш бутунлай янги тизим бўйича амалга оширилмоқда.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларни янги босқичга кўтарди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2022 йилга "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб ном берилиши ва йил моҳиятига мос давлат дастурининг ҳаётга татбиқ қилинаётгани халқимизнинг асрий орзу-истаклари рўёбида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз инсон қадр-қиммати қандайдир мавҳум ва баландпарвоз тушунча эмаслигини алоҳида қайд этади. Бу, аввало, ҳар бир фуқаро учун тинч ва бехавотир ҳаётни, унинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, муносиб турмуш шароитлари ва замонавий инфратузилмани яратиш, шунингдек, малакали тиббий хизматлар ва сифатли таълим олиш, ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш ҳамда соғлом экологик муҳитда яшаш имкониятларини бериш демакдир.

Шу мақсадларга эришиш учун бутун дунёда ноёб демократик тузилма ҳисобланмиш маҳалла институтининг имкониятларидан фойдаланилмоқда. Маҳалла ваколатлари янада кенгайтирилиб, жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг, халқ билан самарали мулоқотнинг таянч нуқтасига айлантириляпти.

Янгича маҳаллабай ишлаш тизимининг жорий этилиши ҳам ноёб механизм бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан усули сифатида намоён бўлди. Шу асосда мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳар бир маҳаллада хонадонма-хонадон юриб, одамларни қийнаётган муаммоларни ўрганмоқда. Имкон қадар уларни жойида бартараф этиш чораларини кўрмоқда.



А. АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

...Майдонга болажонлар чиқиб келади. Уларнинг шодон рақслари, қўшиқлари, ўйин-кулгилари қалбга қувонч ва хотиржамлик улашади. Бу бежиз эмас. Чунки доно халқимиз айтганидек, бола кулса, бутун олам кулади.

Кейинги йилларда навқирон авлод бахту камоли йўлида асрларга татигулик ишлар қилинди. Бу ўринда ўғил-қизларнинг замон андозаларига мос таълим-тарбия олиши учун Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари очилгани, иқтидорларини намоён этишлари учун яратилаётган шароитлар билан бирга, уларнинг мажбурий меҳнатдан озод этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Президентимизнинг қатъияти ва жасорати, халқпарварлиги билан юртимизда мажбурий меҳнатга барҳам берилгани инсон қадрини улуғлашда тарихий ислоҳотдир. Тан олайлик, собиқ тузум даврида, ҳатто яқин тарихимизда ҳам олтин куз бошланиб, сўлим боғу хиёбонларга ажиб бир сокинлик инаркан, далаларда шовқин-сурон, ғала-ғовур, қалбларда эса ҳадик ва хавотир авжга чиқарди. Қишлоғу овулларда, маҳаллаларда фаоллар, оқсоқоллар уйма-уй юрар, одамларни турли тазйиқлар билан далага ҳайдарди. Бу вақтда тўю томошалар тақа-тақ тўхтатилар, байрам маросимлари ўтадиган саройлар, кўнгилочар масканлар ҳувиллаб қоларди.

Энг ачинарлиси, янги ўқув йили бошланган таълим муассасаларида ёшларга билим бериш, уларни ҳар томонлама камолга етказишда янгича услубларни ишлаб чиқиш ҳамда жараёнга татбиқ этиш, шарт-шароитларни янада яхшилаш ҳақида эмас, йигит-қизларнинг пахта теримида тўлиқ қатнашишини таъминлаш, қистов ва турли босимлар билан меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида бош қотириларди. Болалар бугунгидек шинам таълим даргоҳларига эмас, гоҳ офтоб тиғида жизғанаги чиққан, гоҳ чанг-тўзон ичра тебраниб турган пахтазорлар томон кийим-кечаги, кўрпа-ёстиғини ортмоқлаб боришга мажбур эди. Бу пайтда эртамиз эгаларининг соғлиғини тиклаши, дам олиши, ўз устида ишлаб, билим ва салоҳиятини бойитиши учун имконият бериш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмасди. Фақат ва фақат ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг кун ёришгандан то қуёш уфққа бош қўйгунича пахта даласида бўлиши қатъий назоратга олинарди.

Бугун эса келажагимиз ворислари ана шундай қийноқлардан бутунлай қутулди. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачиликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг кластер усулига ўтилгани муҳим ўрин тутди.

Ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ўз мевасини бермоқда. Асосан, ёшлардан иборат Ўзбекистон миллий терма жамоаси тарихда биринчи марта Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида олтин медални қўлга киритгани сўзимиз исботи.

...Саҳнада жадид боболаримиз образи гавдаланади. Улар халқимизга, истиқлолдек буюк неъматни қўлга киритган бугунги саодатли авлодларга мурожаат қилади. Она Ватанимизни, мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

Ҳурриятимиз байрамида жадидлар образига мурожаат этилганида чуқур маъно бор. Чунки фикри уйғоқ, маърифатпарвар, ватанпарвар бу инсонлар халқимизни истибдод кишанларидан озод этишга, қуллик исканжасидан қутқаришга интилди. Бу йўлда одамларнинг онгу дунёқарашини бойитиш, билим ва салоҳиятини юксалтириш, кўнгил кўзини очиш уларнинг асосий мақсади бўлди. Тарихимизнинг мураккаб даврида яшаса-да, жасорат ва мардлик, ватанпарварликни намоён этиб, халқни ойдин йўлга бошлаган буюкларимиз юртдошларимиз, айниқса, ёшлар учун ўрнак ва ибрат тимсолига айланса, маънавий етук инсонлар мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқади.

...Куй-қўшиқларда Ватанимизнинг мафтункор таровати, азалий шону шуҳрати баланд пардаларда тараннум этилади. Мақом ашулаларидан тортиб, бахшиёна халқ термаларида аждодларимизнинг орзу-умидлари, миллатлараро тотувлик, дўстлик, меҳр-оқибат, муҳаббат тушунчалари улуғланади. Шўх-шодон рақслар муаззам майдон узра байрам шукуҳини янада кучайтиради.

Тадбир сўнгида отилган мушаклар осмонни турфа ранг "юлдузча"ларга буркади. Йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги тантаналари мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида давом этмоқда.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклайман!

Бугун Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда равнақ топаётган давлатни барпо этишга қаратилган муҳим сиёсий ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни муваффақиятли рўёбга чиқармоқда.

Биз, Қозоғистон замонавий Ўзбекистоннинг ютуқларидан чин дилдан хурсандмиз ва серқирра ҳамкорлигимизни кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш руҳида янада кенгайтиришга катта аҳамият қаратамиз.

Аминманки, биргаликдаги ишларимиз Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклиги ва иттифоқчилиги жадал ривожланишига, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга бундан буён ҳам хизмат қилади.

Ушбу файзли кунда Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, қардош Ўзбекистоннинг фаровонлиги ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилайман!

Ҳурмат билан,

**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Давлат байрами — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни билан Сизни муборакбод этаман.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон барқарор, суверен давлат барпо этиш, халқ фаровонлиги ва ўзининг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришда катта муваффақиятларга эришди.

Сиз кейинги йилларда бошлаган ижтимоий-сиёсий янгиланишлар ва иқтисодий ислоҳотлар республика тараққиётининг янги босқичи — Янги Ўзбекистон босқичини бошлаб берди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва ҳамкорликнинг бугунги даражасини юксак қадрлайман. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги қардошлик, яхши қўшничилик муносабатлари бундан буён ҳам жадал, изчил ривожланиб боришига қатъий ишонаман.

Сизнинг Қирғиз Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган давлат ташрифи билан Қирғизистонга келишингизни орзиқиб кутмоқдамиз.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, давлатчилик фаолиятингизда катта муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Садир ЖАПАРОВ,**
**Қирғиз Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Қадрли Шавкат Миромонович!

Тожикистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга ва бутун қардош Ўзбекистон халқига мамлакатингизнинг миллий байрами — Мустақиллик куни билан самимий табрикларим ҳамда энг эзгу тилакларимни етказишдан бағоят мамнунман.

Сизнинг бунёдкорона сиёсатингиз туфайли Ўзбекистон барқарор тараққиёт ва равнақ йўлида мисли кўрилмаган натижаларга эришишда давом этмоқда, халқаро майдондаги нуфузини дадил мустаҳкамлаб бормоқда.

Биз Тожикистон — Ўзбекистон дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини юксак қадрлаймиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги бой тарихий анъаналар, чуқур ўзаро ҳурмат ва англашувга асосланган муносабатлар бугун изчил ривожланиб, янги қирралар очаётгани қувонтиради. Стратегик шериклик доирасида ва иттифоқли ҳамкорлик руҳида уларни ҳар томонлама кенгайтиришга катта аҳамият бермоқдамиз.

Ишонаманки, менинг Ўзбекистонга ташрифим давомида эришилган келишувлар изчил амалга оширилиши халқларимиз фаровонлиги йўлида мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига сифат жиҳатидан янги суръат бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-омонлик, бардавом тараққиёт тилайман.

Доимий ҳурмат билан,

**Эмомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Туркманистон халқи ва Ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон Республикасининг қардош халқига мамлакатингиз мустақиллиги куни муносабати билан самимий табриклар ва энг эзгу тилакларни етказиш мен учун шараф.

Мустақилликка эришганидан буён ўтган даврда Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда улкан муваффақиятларга эришди, халқаро майдонда катта нуфуз топди, минтақавий ва глобал кун тартибидаги долзарб масалалар ечимида конструктив роль ўйнамоқда.

Биз, Туркманистонда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликда эришилган натижани юксак қадрлаймиз, уни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга катта аҳамият қаратамиз.

Ўз навбатида, Туркманистон — Ўзбекистон стратегик муносабатларини фаол илгари суриб, қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида янги марраларга олиб чиқиш учун бундан буён ҳам Сиз билан биргаликда ҳаракат қилишга тайёрман.

Ушбу ёқимли фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат ила,

**Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Азиз қардошим!

Мамлакатингиз мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва қардош Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табригимни, эзгу тилакларимни изҳор этиш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Биродар Ўзбекистон суверен тараққиёт йилларида ҳаётнинг барча соҳаларида мисли кўрилмаган ютуқларга эришди, халқаро майдонда юксак нуфуз ва ишончга сазовор бўлди.

Туркманистон Ўзбекистон билан ҳар икки томоннинг интилиши орқали ривожланиб, камол топаётган муносабатларни юксак қадрлайди ва ардоқлайди.

Аминмизки, яхши қўшничилик, самимий дўстлик ва ишончга асосланган Туркманистон — Ўзбекистон стратегик шериклиги қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам жадал ривожланиб боради.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат ила,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Муҳтарам Президент жаноблари!

Азиз қардошим!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Сиз орқали қардош ўзбек халқини энг самимий тилакларим ила муборакбод этаман.

Дўст ва қардош Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакат бўлишдан бағоят хурсандмиз.

Муштарак тарихий ва маданий ришталардан куч олувчи ҳамда биргаликда "Кенг қамровли стратегик ҳамкорлик" даражасига кўтарилган ўзаро алоқаларимиз ҳар соҳада жадал ривожланаётгани бизга мамнуният бахш этади. Ушбу ҳамкорлик ва шерикликни умумий ҳиссамиз билан янада ривожлантириб, чуқурлаштиришимизга ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст ва қардош ўзбек халқига омонлик тилайман.

**Режеп Таййип ЭРДОҒАН,**
**Туркия Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўз номимдан ва Озарбайжон халқи номидан Сизни ва Сиз орқали қардош халқингизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни билан чин қалбимдан қутлайман.

Кейинги йилларда Сизнинг раҳбарлигингиз остида биродар Ўзбекистон халқи катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Давлатчиликнинг мустаҳкамланиши, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги самарали фаолият ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасидаги нуфузи юксалиши Сизнинг етакчилигингиз, оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсатингиз туфайлидир.

Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари халқларимизнинг азалий дўстлиги ва умумий маданий илдизларига асосланган. Кўп қиррали ҳамкорлик, яқин тарихий анъаналар ва мустаҳкам пойдеворга, ўзаро ишонч ва кўмакка асосланган стратегик шериклигимиз кенгаяётгани ва ривожланаётгани ғоят қувонарли.

Аминманки, Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги биродарлик муносабатлари биргаликда саъй-ҳаракатлар билан халқларимизнинг манфаатларига мувофиқ бундан буён ҳам кенгайиб, мустаҳкамланиб боради.

Ушбу қутлуғ кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса абадий тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбайжон Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Жаноби Олийлари!

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига энг самимий табрикларимни йўллайман.

Дипломатик муносабатларимиз ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлар эканмиз, мамлакатларимиз ҳамкорлиги турли соҳаларда янада ривожланишига, халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланишига умид қиламан.

Чин қалбимдан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва зафарлар, Ўзбекистон Республикасига эса узлуксиз равнақ тилайман.

**Юн Сок ЁЛЬ,**
**Корея Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Жаноби Олийлари!

Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан самимий қутлов ва табрикларимни йўллашдан мамнунман.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида анъанавий яқин ва дўстона муносабатлар ўрнатилган. Ҳамкорлик алоқалари стратегик шериклик даражасига кўтарилиши билан муносабатларимиз янада мустаҳкамланди.

Икки томонлама алоқаларимиз турли соҳаларда кўзга кўринарли даражада тараққий этмоқда. Сизнинг шериклигимизни мустаҳкамлашга қаратаётган шахсий эътиборингиз икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, омонлик, дўст Ўзбекистон Республикаси халқига эса тараққиёт ва давомий равнақ тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Драупади МУРМУ,**
**Ҳиндистон Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст халқингизга самимий табрик ва эзгу тилакларимизни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, икки дўст халқларимиз манфаати йўлида турли соҳаларда ҳамкорлик олиб боришнинг янги йўлларини очиш, биродар мамлакатларимизни боғлаб турувчи дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигимни билдираман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст халқингизга тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Юксак эҳтиром ила,

**Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,**
**Миср Араб Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ҳамда мамлакатингизнинг дўст ва биродар халқини чин юракдан муборакбод этаман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ижобий тенденциясини ҳисобга олган ҳолда, Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси мутасаддиларининг янада фаол саъй-ҳаракатлари натижасида ҳамда икки халқ ўртасидаги тарихий ва маданий муштаракликлар фонида алоқаларимиз янада ривожланишига гувоҳ бўламиз, деб умид қиламан.

Қодир Эгамдан Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ, муваффақият, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

**Иброҳим РАИСИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Жаноби Олийлари!

2022 йил 1 сентябрь — Мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан Жанубий Африка Республикаси ҳукумати ва халқи мен билан биргаликда Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига энг самимий тилакларимиз ва табрикларимизни йўллаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, мамлакатларимиз ўртасидаги мукаммал дўстлик ришталарини янада кенгайтиришга бўлган интилишимиз қатъий эканини таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Матамела Сирил РАМАФОСА,**
**Жанубий Африка Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Жаноби Олийлари!

Индонезия Республикаси номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги билан дилдан қутлайман.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш доирасида дўстона муносабатимиз келгуси йилларда ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида ривожланиб боришига умид қиламан.

Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига омонлик, саломатлик ва равнақ тилайман. Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилинг.

**Жоко ВИДОДО,**
**Индонезия Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Юртингизнинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловимни қабул қилинг.

Бугунги Ўзбекистон кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлидан дадил бориб, ўз фуқаролари фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминламоқда. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда муҳим ўрин тутган давлатингизнинг халқаро нуфузи мустаҳкамланмоқда.

Беларусь — Ўзбекистон ҳамкорлигининг салмоқли салоҳиятини рўёбга чиқаришга интилишимиз халқларимиз ўртасидаги кўп йиллик дўстлик ва ўзаро ишонч анъаналарига асосланган икки томонлама муносабатларнинг муваффақиятли ривожи кафолатидир.

Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, ўйлаган ниятларингиз рўёбини, Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларусь Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табриклайман, мамлакатингиз ва халқингизга тинчлик-осойишталик, тараққиёт, фаровонлик тилайман.

Болгария Республикаси Ўзбекистон Республикасини Марказий Осиёдаги устувор ва узоқ муддатли ҳамкори сифатида қабул қилади. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар икки халқнинг ўзаро манфаатлари йўлида дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ривожланишда давом этишига ишонамиз.

Жаноби Олийлари, самимий тилакларимни ва Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилинг.

**Румен РАДЕВ,**
**Болгария Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табригим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Венгрия учун Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги муҳим сиёсий ва иқтисодий ҳамкордир. Сизни ишонтириб айтаманки, биз, Венгрия кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва мавжуд салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш борасидаги интилишимиз қатъий. Аминман, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ўзаро ишончга асосланган биргаликдаги ишларимиз учун бундан буён ҳам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Масъулиятли фаолиятингизда янги муваффақиятлар ва мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Каталин НОВАК,**
**Венгрия Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Президент жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий ва эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Венгриянинг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкоридир. Венгрия — Ўзбекистон ҳамкорлигини кенгайтириш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ўзаро манфаатларда тобора кўп натижа келтираётганига гувоҳмиз.

Ишонтириб айтаманки, ҳукуматимиз ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича юқори даражада бошланган стратегик мулоқотни давом эттиришга қатъий интилади. Тез орада Сизни ва ҳурматли рафиқангизни Будапештда қутлаш имкониятига муяссар бўлиб, музокаралар орқали шу руҳдаги ишларимиз давом этишига ишонаман.

Масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар ва мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Виктор ОРБАН,**
**Венгрия Бош вазири**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

Ҳурматли Президент жаноблари!

Словакия Республикаси фуқаролари номидан ҳамда ўз номимдан Сиз ва мамлакатингиз халқини миллий байрам — Мустақиллик куни билан муборакбод этаман.

Биз оғир даврда яшаяпмиз. Дунёда ҳануз глобал эпидемия таъсири сезилмоқда. Бундан ташқари, иқлим ўзгариши оқибатлари ва шу билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларга дуч келяпмиз. Шу сабабли бундай вазиятда бирдамлик, демократия қадриятлари ва ҳуқуқ устуворлиги тамойилларига содиқлик муҳим аҳамиятга эга. Таълимни қўллаб-қувватлаш, инклюзивлик, атроф-муҳит ҳимояси, барқарорлик ва биохилма-хилликни асрашга фаол ёндашув ҳам муҳим.

Словакия ва Ўзбекистонни азалий дўстлик алоқалари боғлаб турганидан мамнунман. Муносабатларимиз бундан буён ҳам иккала мамлакат фаровонлиги йўлида ривожланиб боришига ишонаман.

Ҳурматли Президент жаноблари, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига мустаҳкам соғлиқ, тинчлик, барқарорлик, демократик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тилайман.

Ҳурмат билан,

**Зузана ЧАПУТОВА,**
**Словакия Республикаси Президенти**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Президент жаноблари!

Қутлуғ сана — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги билан Сизни табриклаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт даврида жамият ҳаётининг барча соҳаларида катта муваффақиятлар ва улкан натижаларга эришди. Сизнинг чуқур ўйланган сиёсатингиз остида бугунги Ўзбекистон жадал, очиқ, барқарор ва ҳар томонлама ривожланишнинг юксак намунасига айланди.

Янги Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда юқори нуфузга, ҳурмат-эътибор ва эътирофга сазовор бўлган мамлакатдир. Сизнинг раҳбарлигингиздаги прагматик, оқилона ички ва ташқи сиёсат туфайли кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Сиз билан 2022 йил май ойида Тошкент шаҳрида ўтган учрашувимни алоҳида илиқлик билан эслайман. ШҲТни ҳар томонлама ривожлантириш, ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузини, айниқса, бугунги мураккаб шароитларда юксалтириш юзасидан Сиз билдирган фикр, ғоялар мен учун ғоят қизиқарли ва қимматли бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислигини алоҳида қайд этиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар тузилмамиз янги тараққиёт босқичига чиқишида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шубҳасиз, ШҲТнинг бўлажак Самарқанд саммити ўзаро манфаатли кўп томонлама ҳамкорлик уфқларини кенгайтириб, ташкилотимиз самарадорлиги ва имижини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва олий даражадаги фаолиятингизда янги муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик тилайман!

Чуқур ҳурмат ила,

**Чжан МИН,**
**Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон миллий суверенитет йилларида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди, халқаро майдонда кенг эътирофга сазовор бўлди.

Бугун мамлакатнинг ички сиёсати иқтисодиётни модернизация қилиш, давлат ҳаётининг ижтимоий-сиёсий соҳаларини такомиллаштиришга қаратилган.

Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган сиёсат республиканинг янада изчил ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги юксалишига хизмат қилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги сермаҳсул ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиш ва кенгайишда давом этишига қатъий ишонаман.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, бутун Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Сергей ЛЕБЕДЕВ,**
**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Туркий давлатлар ташкилоти номидан ва ўз номимдан Сизга ҳамда қардош Ўзбекистон халқига табригимни, эзгу тилакларимни йўллашдан бениҳоят мамнунман.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда улкан марраларни забт этаётганлигини ҳамда халқ фаровонлигини ошириш борасида салмоқли ютуқларга эришганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакатни модернизация қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш ва унинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларингиз юксак таҳсинга лойиқдир.

Шуни қатъият билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ташкилотимизнинг тўлақонли аъзосига айланганидан сўнг Туркий давлатлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик янги марраларга эришмоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистонда режалаштирилаётган тарихий саммит тинчликни янада мустаҳкамлайди, умумий тилимиз, динимиз ва анъаналаримизга асосланган кўп асрлик қардошлик ришталари билан боғланган туркий халқларни янада яқинлаштиришга ҳисса қўшади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу ажойиб дамларда Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, масъулиятли фаолиятингизда омад, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Бағдод АМРЕЕВ,**
**Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги билан чин дилдан қутлаш мен учун катта шарафдир.

Байрам муносабати билан самимий ва энг эзгу тилакларимни изҳор этар эканман, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўзининг қимматли ва муҳим аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикасига катта аҳамият қаратаётганини яна бир бор қайд этмоқчиман.

Сиз, Жаноби Олийлари ИҲТ фаолиятини, иқтисодий тараққиёт ва минтақавий интеграция борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашингизга ишонамиз.

Сиз, Жаноби Олийларига бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Ҳусрав НОЗИРИЙ,**
**Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Президент жаноблари!

Сизни Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) номидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Сиз, Жаноби Олийларининг қўллаб-қувватлови туфайли ОИИБнинг Ўзбекистондаги инвестициявий фаолияти 2019 йилдан жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Бугунги кунга келиб ОИИБ тўққизта лойиҳага 1,5 миллиард долларлик инвестиция киритди.

Алоқаларимиз изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Биз энергетика, транспорт ва сув таъминоти каби устувор соҳаларда қатор лойиҳаларни амалга оширишни ниятидамиз.

Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон халқига энг самимий табрикларимни яна бир бор изҳор этаман.

Келгусида мулоқотимиз ва ҳамкорлигимиз давом этишидан умидвормиз.

Чуқур ҳурмат билан,

**Цзинь ЛИЦЮНЬ,**
**Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти**

*Қутловлар келишда давом этмоқда.*

Мулоқот

## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизга ташриф буюрган Конрад Аденауэр жамғармаси бошқаруви раиси, Германия Бундестаги экс-президенти Норберт Ламмерт бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.*

Мулоқотда икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди.

Сенат Раиси меҳмонларни ташриф билан қутлаб, юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хорижий мамлакатлар билан парламентлараро ҳамкорлик, ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари, шу жумладан, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот берди.

Ўз навбатида, Н. Ламмерт мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатдаги ўзгариш ва янгиланишларни юқори баҳолади.

Шунингдек, мулоқот давомида парламентлараро алоқаларни янада кенгайтириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**«Халқ сўзи».**

## БИЗ ЭРИШАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАР — ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИДИР

*Мустақиллик туфайли эришган энг катта ютуқларимиздан бири, шубҳасиз, таълим тизимида яратилаётган қулайликлардир. Буни сўнгги олти йилдаги ўзгаришлар мисолида яққол кўриш мумкин.*

### Фикр

Хусусан, 2017 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил якунига қадар ушбу кўрсаткич 80 фоизга етказилади.

Халқ таълими тизимида болаларга сифатли таълим-тарбия бериш, уларни замонавий таълим муассасалари билан таъминлаш мақсадида кейинги йилларда 500 га яқин янги мактаблар барпо этилиб, мавжудлари қайтадан таъмирланди.

Олий таълим билан қамров даражаси эса 2016 йилги 9 фоиздан 2022/2023 ўқув йилига келиб 42 фоизга етказилди. Албатта, бу жараёнда қабул квотасининг оширилиши билан бирга, олий таълим муассасалари сони ва унинг мавжуд салоҳияти ҳам юқорилаб бормоқда.

Дейлик, 2017 йилда мамлакатимизда 82 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 177 тани (шундан 33 таси нодавлат олий таълим муассасалари), уларда таҳсил олаётган талабалар сони эса 845 минг нафардан зиёдни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, ёшларимиз ўз вақти ва имкониятига қараб таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 71 та ОТМда сиртқи, 18 тасида кечки, 13 та ОТМда масофавий ўқиш имкониятлари яратиб берилган.

Бу каби ўзгаришларни соғлиқни сақлаш соҳаси мисолида ҳам айтиш мумкин. Аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида, аввало, соҳага Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳажми уч баробар оширилди. Тез тиббий ёрдам шохобчалари сони амалдаги 818 тадан қарийб 1,7 мингтага етказилди. Нафақат республика марказларида, шу билан бирга, олис туман ва шаҳарлар марказларидаги тиббиёт бирлашмаларида ҳам мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти яратилди. Соҳа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳамширалар иш ҳақи 600 минг сўмдан ўртача 2,5 миллион сўмга, шифокорлар маоши эса 980 мингдан ўртача 3,5 миллион сўмга оширилди.

Умуман олганда, бундай ўзгаришларнинг ҳар бир соҳада рўй бераётганлиги юртдошларимизни бирдамликда янги-янги марралар сари интилишга ундамоқда.

Шу ўринда тан олиб айтиш керакки, бугун мустақиллигимиз берган имконият сабаб амалга ошираётган ислоҳотларимиз кўлами, эришаётган ютуқларимиз одамнинг ақлини шошириб қўймоқда. Жумладан, яқинда Самарқанд шаҳрининг янги қиёфасини белгилаб берадиган яна бир муҳташам мажмуа — “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мажмуа иккала Ренессанс даврининг юзага келиши ва ривожланиб, дунё илм-фани равнақига ҳисса қўшишда муҳим роль ўйнаган Ўзбекистонда бугун учинчи Ренессанс учун пойдевор яратилаётганига ёрқин мисол бўлди.

Хулоса ўрнида айтганда, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, “Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир” дея янгидан-янги марраларни забт этиш, келгуси авлодларга эркин ва фаровон, обод Ватан қолдириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

**Махфират ХУШВАҚТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН САЛОҲИЯТЛИ МАМЛАКАТ

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами муносабати билан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари халқимизга ўз табрикларини йўлламоқда.*

### Дил сўзи

**Цзян ЯН,**
**ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**



— Ўзбекистонлик қадрдон дўстлар! 1 сентябрь — Ўзбекистонда мамлакат мустақиллигининг 31 йиллик санаси нишонланади. Орадан ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон давлат қурилишида мисли кўрилмаган муваффақиятларни қўлга киритди ва улкан салоҳиятли мамлакат сифатида тан олинмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев лавозимига киришганидан буён мамлакатда кенг миқёсли ислоҳотлар бошланди. Давлат бошқаруви тузилмасини оптималлаштириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш, бизнесни либераллаштириш ва хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича комплекс қадамлар ташланмоқда. Буларнинг барчаси эпидемия оқибатларини муваффақиятли бартараф этиш ва иқтисодиёт ўсишининг ижобий жиҳатларини сақлаб қолиш учун мустаҳкам асос яратди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон очиқ, прагматик ва конструктив сиёсатни амалга ошириб, барча шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб бормоқда. Минтақавий ва дунёвий ишларда фаол қатнашар экан, Ўзбекистон халқаро кун тартиби бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурдики, бу жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Энди Ўзбекистон 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича аниқ чораларни қўллаган ҳолда одамлар фаровонлиги учун “Янги Ўзбекистон” деб аталмиш давлатни қуриш йўлидан ишонч билан бормоқда.

Қадрли дўстлар, тез орада Ўзбекистон раислигида Самарқанд шаҳрида муҳим тадбир — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлиси ўтказилади. Ўзбекистон ШҲТдаги раисликка катта аҳамият қаратиб, ташкилот доирасидаги шерикликни олға суриш борасида улкан ишларга қўл урди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида мазкур саммит тўлиқ муваффақият билан ўтказилишига ва ШҲТни ривожлантиришда ўчмас из қолдиришига ишончим комил.

Ўзбекистонлик барча дўстларимизни Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклайман. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидаги барча белгиланган режаларини уддалашига, тинчлик, уйғунлик ва фаровонлик ҳукм сурадиган қудратли, фаровон давлатга айланишига тилакдошман!

**Олган БЕКАР,**
**Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**



— Ўзбекистоннинг 1991 йил 1 сентябрь куни ўз мустақиллигини эълон қилиши Туркияда катта хурсандчилик билан кутиб олинган. Дарҳақиқат, ана шу туйғулар талаб этганидек, Туркия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган ва Тошкентда элчихона очган давлат бўлганидан фахрланади. Худди аввалгидек, биз ҳозир ҳам асрлар оша биродарлик ришталарига эга бўлган ўзбек халқининг хурсандчилигини ва қайғусини чин юракдан баҳам кўрамиз.

Ўзбекистоннинг босиб ўтган йўли ва эришган муваффақиятлари биз учун ҳам ғурур манбаидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона етакчилиги остида давом этаётган ислоҳотлар жараёни орқали ҳозир Ўзбекистон 31 йил аввалгиси билан қиёслаб бўлмайдиган кўринишга ва кучга эришди.

Муваффақиятли якун топган 2017 — 2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегиясидан сўнг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси билан яна бир босқич олдинга ўтган ислоҳотлар жараёни мамлакатни ҳақиқий иқтисодий салоҳиятига тобора яқинлаштириб бормоқда. Қисқа вақтда Ўзбекистонни “Осиёнинг юксалаётган юлдузи” даражасига келтирган бу ислоҳотлар ўрта ва узоқ муҳлатда катта эҳтимол билан ўзбек халқининг фаровонлигига янада салмоқли ҳисса қўшади.

Президент Шавкат Мирзиёев белгилаб берган истиқболлар бўйича юритилаётган ислоҳотлар жараёни Ўзбекистонни нафақат янада фаровон ва янада ҳур мамлакат даражасига келтирди, балки халқаро нуфузини ҳам мисли кўрилмаган равишда юксалтирди. Бугунги кунда Ўзбекистон “Ўзаро боғлиқлик” кун тартиби доирасида тарихий Буюк Ипак йўлининг тикланишида катта ролни ўз зиммасига олмоқда, минтақанинг фаровонлик ва хавфсизлигига салмоқли ҳисса қўшмоқда. 2022 йилда Самарқанд, Тошкент ва Бухорода бўлиб ўтган ва ўтадиган қатор тадбирлар Ўзбекистоннинг тобора ортиб бораётган халқаро таъсирининг кўрсаткичлари, ифтихор бахшида этгувчи нишоналаридир.

Кейинги беш йилда Ўзбекистоннинг кўпгина муваффақиятларига қўшимча равишда мамлакатларимиз ўртасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларда босиб ўтган йўлимиз ҳам Туркия, ҳам Ўзбекистон учун ютуқ бўлди. Кўп томонли ҳамкорлигимиз, айниқса, халқаро ташкилотларда ҳам кенгайиб бормоқда. 2021 йилда 3.642 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган икки томонлама савдо ҳажмини аввал 5 миллиард, сўнг 10 миллиард АҚШ долларига етказиш маррасига қатъий қадамлар ташланмоқда.

Тараққий этган иқтисодий, савдо, ҳарбий, хавфсизлик ва маданий муносабатларимиз башарий масалаларда ҳам ўзини намоён этиб, иккала қардош халқ кундан-кунга бир-бирини ўзаро яқинроқ танимоқда.

Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Беруний, Ибн Сино каби инсон уфқини кенгайтирган олимлар; Имом Бухорий, Имом Мотуридий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари имонлиларга неча асрлардан буён йўл кўрсатаётган фузалолар; Алишер Навоий, Маҳмуд Кошғарий, Абдулҳамид Чўлпон сингари дилимизни юксакларга кўтарувчи аҳли қалам юртларимиз ўртасидаги муштарак қадриятларнинг бир нечасигина, холос. Самарқанд, Бухоро ва Хива каби ўзбек кентлари биз учун ҳам аждодларимизнинг муқаддас хотирасидир. Ўзбекистонни кундан-кунга янада қудратли, фаровон ва янада осойишта эканини кўришдан бахтиёрмиз.

Ўзбекистоннинг ислоҳот жараёнига хайрихоҳлигимизни ва муносабатларимизни ҳар соҳада чуқурлаштиришга қаратилган иродамизни яна бир бора таъкидлаган ҳолда, Мустақиллик куни билан қардош Ўзбекистон халқини чин юракдан муборакбод этаман.

**Гусейн ГУЛИЕВ,**
**Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**



— Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори даражада. Улар мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор асосида ривожланмоқда. Стратегик шериклик нафақат қардошлигимиз ва дўстлигимиздан далолат беради, балки Марказий Осиё ва Жанубий Кавказда умумий мақсадлар йўлидаги ёндашувларни ифода этади. Озарбайжон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончни янада чуқурлаштириш бизнинг устувор мақсадларимиздир.

Эришилган натижалар табиий равишда чуқур тарихий илдизлар, халқларимизнинг миллий урф-одатлари, тиллари ва маданиятлари яқинлиги билан боғлиқ. Шунингдек, бу ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдеворнинг бир қисмидир. Халқларимиз ўртасида кўп асрлик дўстлик ва қардошлик ришталарига қўшимча равишда, биз Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг шу йил июнь ойидаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида самимий муҳитда ўтган учрашуви якунлари ўзаро муносабатларимизнинг ҳозирги босқичида қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашнинг асосий омили эканини ишонч билан айта оламиз.

Ўзбекистонни ҳақли равишда Марказий Осиёнинг юраги, деб ҳисоблаш мумкин. Минтақадаги ҳар қандай муҳим масалани Ўзбекистоннинг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Президенти томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат мамлакатда ва умуман, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Шавкат Мирзиёев қўшни давлатлар билан муносабатларни барқарорлаштириш бўйича муҳим қадамларни қўйди ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё минтақасининг салоҳиятини сезиларли даражада оширди. Давлат раҳбари янги Ўзбекистон сиёсатини “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” шиори билан аниқ белгилаб берди. Биз мамлакатда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини кўрмоқдамиз. Давлат ва жамият ҳаётининг деярли барча соҳаси янгиланди. Ўзбекистоннинг замонавий ва ривожланган мамлакатга айланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ташқи сиёсатнинг фаоллашиши, ижтимоий-иқтисодий ўсиш — буларнинг барчаси ривожланишдан далолат. Шу билан бирга, Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатининг асосий, ҳал қилувчи унсури тинчлик, миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенгликдир.

Озарбайжон билан Ўзбекистон ўртасида барча соҳада манфаатли ҳамкорликка кўплаб мисоллар бор. Аммо қадимги Буюк Ипак йўли орқали юк ташиш ҳажмини оширишга хизмат қиладиган ва мамлакатларимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган транспорт соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида таъкидлашни истардим. Ўйлайманки, икки давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларда янги уфқларни очишда бошқа давлатлар учун намуна бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, камтарона хизматим Ўзбекистон Президенти томонидан эътироф этилгани ва “Дўстлик” ордени билан мукофотланганим учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Озар халқининг фарзанди сифатида бундан мамнунман ва ўз ташаккуримни билдиришни катта шараф, деб биламан.

Истиқлол айёми билан қардош ўзбек халқига равнақ, фаровонлик ва тинчлик, мамлакат раҳбарияти билан эзгу ғояларни амалга оширишда бирдамлик тилайман. Озарбайжон билан Ўзбекистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, биродарлик абадий бўлсин!

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.40 Топширилди — 05.55 1 2 3 4 5 6